

980/2097 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزَّةٍ، فَأَبْطَأَ بِي جَمْلِي وَأَعْيَا، فَأَتَى عَلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «جَابِرٌ». فَقُلْتُ: تَعَمْ، قَالَ: «مَا شَأْنُكَ؟» قُلْتُ: أَبْطَأَ عَلَيَّ جَمْلِي وَأَعْيَا فَتَحَلَّفْتُ، فَتَرَأَلَ يَنْجُونُهُ بِمِحْجَنِهِ، ثُمَّ قَالَ: «أَكْبُ». فَكَيْنُتُ، فَلَقَدْ رَأَيْتُهُ أَكْفُهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: «تَرَوْجُتْ؟» قُلْتُ: تَعَمْ: قَالَ: «بِكُرًا أَمْ ثَيَّبًا؟» قُلْتُ: بَلْ ثَيَّبًا، قَالَ: «أَفَلَا جَارِيَةٌ تُلَاءِبُهَا وَتُلَاءِبُكَ؟» قُلْتُ: إِنَّ لِي أَحْوَاتٍ، فَأَحْبَبْتُ أَنْ أَنْزُوجَ امْرَأَةً تَحْمَمُهُنَّ وَتَمْسُطُهُنَّ، وَتَفْوُمُ عَلَيْهِنَّ، قَالَ: «أَمَّا إِنَّكَ قَادِمٌ، فَإِذَا قَدِمْتَ فَالْكَيْسُ الْكَيْسُ». ثُمَّ قَالَ: «أَتَبْيُغُ جَمَلَكَ؟» قُلْتُ: تَعَمْ، فَاشْتَرَاهُ مِنِي بِأُوقِيَّةٍ، ثُمَّ قَدِيمَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلِي، وَقَدِيمَتُ بِالْعَدَاءِ، فَجِئْنَا إِلَى الْمَسْجِدِ، فَوَجَدْتُهُ عَلَى بَابِ الْمَسْجِدِ. قَالَ: «الآنَ قَدِيمَتْ؟» قُلْتُ: تَعَمْ. قَالَ: «فَدَعْ جَمَلَكَ، فَادْخُلْ فَصَلِّ كُعَتْيَنْ». فَدَخَلْتُ فَصَلَّيْتُ، فَأَمَرَ بِلَالًا أَنْ يَرِنَ لَهُ أُوقِيَّةً، فَوَزَنَ لِي بِلَالٌ فَأَرْجَحَ فِي الْمِيزَانِ، فَانْطَلَقْتُ حَتَّى وَلَيْتُ، فَقَالَ: «ادْعُ لِي جَابِرًا». قُلْتُ: الآنَ يَرُدُّ عَلَيَّ الْجَمَلَ، وَلَمْ يَكُنْ شَيْءٌ أَبْعَضَ إِلَيَّ مِنْهُ، قَالَ: «حُذْ جَمَلَكَ وَلَكَ ثَمَنُهُ»

980.2097. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир ғазотда эдим, бўрам чарчаб қолиб, мени секинлатиб юборди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга келиб, «Жобир!» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «Холинг қалай?» дедилар. Мен: «Бўрам чарчаб қолиб, мени секинлатиб юборди, орқада қолдим», дедим. Шунда у зот тушиб, миҳжанлари* билан уни туртдилар. Кейин «Энди минавер», дедилар. Мен миндим. Энди мен уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (ўтиб кетмасин деб) тийиб турар эдим.

У зот: «**Уйландингми?**» дедилар. Мен: «Ха», дедим. «**Бокирагами, жувонгами?**» дедилар. Мен: «Жувонга», дедим. У зот: «**Бокирага эмасми? У билан ўйнашар эдинг, у ҳам сен билан ўйнашар эди**», дедилар. Мен: «Менинг сингилларим бор. Уларнинг бошини бир қилиб, ювиб-тараб, устларида турадиган аёлга уйланишни истадим», дедим. У зот: «**Сен (Мадинага) келадигансан. Келганингда (аҳлингга) назокатли бўл, назокатли бўл!**» дедилар.

Кейин: «**Бўрангни сотасанми?**» дедилар. Мен: «Ха», дедим. Шунда уни мендан бир увқияга* сотиб олдилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам мендан олдин етиб келдилар. Мен эртасига етиб келдим. Масжидга келдик. Мен у зотни масжиднинг эшиги олдида топдим. У зот: «**Энди келдингми?**» дедилар. Мен: «Ха», дедим. У зот: «**Бўрангни қўй. Кириб, икки ракат намоз ўқи**», дедилар. Кириб, намоз ўқидим. У зот Билолга бир увқия ўлчаб беришни буюрдилар. Билол менга тарозини оғир қилиб ўлчаб берди. Мен кетмоқчи бўлиб ўгирилган эдим ҳамки, у зот: «**Менга Жобирни чақир**», дедилар. (Ичимда) «Энди бўрамни ўзимга қайтарадилар», дедим. Мен учун бундан ёмони йўқ эди. У зот: «**Бўрангни ол, пули ҳам сенга**», дедилар».

* Михъян - бир учи қайрилган, илмоқли ҳасса.

* Увқия - кумуш пул ўлчови. Бир увқия қирқ дирҳамга, аникроғи 29,75 граммга teng. Бу ўлчов бирлиги араб тилида вақия деб ҳам келади, биз ҳамма жойда увқия деб келтирдик.

Манба: hadis.islom.uz

